

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–3365-сон қарори ижроси тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

№	Қарорнинг банди	Масъул вазирликлар	Амалга оширилган ишлар
1.	<p><b>1-банд</b> Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан илмий-тадқиқот муассасаларини базавий молиялаштириш механизмларини жорий этиш. Идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжат Муддати: 2017 йил декабрь Вазирлар Маҳкамаси 170-баёни бўйича муддат: 2019 йил март.</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги</p>	<p><b><i>Бажарилмоқда.</i></b> Қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 02-43/5466 сонли хатига асосан вазирлик ва идоралардан юборилган, вазирлик ва идоралардан олинган таклифлар асосида лойиҳа қайта ишланди.</p>
2.	<p><b>2-банд</b> Давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга ошириладиган илмий-техник лойиҳаларнинг харажатларини режалаштириш, молиялаштириш ва ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш. Идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжат Муддати: 2017 йил декабрь Вазирлар Маҳкамаси 170-баёни бўйича муддат: 2019 йил апрель.</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги</p>	<p><b><i>Бажарилмоқда.</i></b> Давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга ошириладиган илмий-техник лойиҳаларнинг харажатларини режалаштириш, молиялаштириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси қайта ишлаб чиқилган ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 02-43/5466-сон хати билан вазирлик ва идораларга келишиш учун юборилган.</p>
3.	<p><b>5-банд</b> Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида нанотехнологияларни ривожлантириш марказини ташкил этиш. Вазирлар Маҳкамаси қарори 2018 йил март</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, <b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги</u></b></p>	<p>Бажарилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 апрелдаги “Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Нанотехнологияларни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 311-сон қарори билан марказ ташкил этилди.</p>

4.	<p><b>6-банд</b>          Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Ярим ўтказгич физикаси ва микроэлектроника" илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш бўйича асосли таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш.          Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш          2018 йил апрель</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,  <u><b>Инновацион ривожланиш вазирлиги</b></u></p>	<p><b>Бажарилди.</b>          Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 июндаги “Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида”ги 468-сон қарори билан илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.</p>
5.	<p><b>8-банд</b>          Юқори технологиялар ўқув-тажриба маркази фаолиятини такомиллаштириш.          Президент қарори          Муддати: 2018 йил май</p>	<p><u><b>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</b></u>          Молия вазирлиги,          Иқтисодиёт вазирлиги</p>	<p>Бажарилди.          Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3674-сон қарори билан «Юқори технологиялар ўқув-экспериментал маркази» Давлат корхонаси негизида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази ташкил этилди.</p>
6.	<p><b>9-банд</b>          Давлат илмий-техника дастурлари доирасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот натижаларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш.          Муддати: 2018 йил июль.          Идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжат          Вазирлар Маҳкамаси 170-баёни бўйича          муддат: 2019 йил февраль.</p>	<p><u><b>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</b></u>          Фанлар академияси,          Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,          Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги,          Иқтисодиёт вазирлиги,          Молия вазирлиги,          Адлия вазирлиги</p>	<p><b>Бажарилмоқда.</b>          Қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди, тегишли вазирлик ва идоралар биланг келишиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 02-43/5466 сонли хатига асосан вазирлик ва идоралардан юборилган, вазирлик ва идоралардан олинган таклифлар асосида лойиҳа қайта ишланди.</p>
7.	<p><b>10-банд</b>          Илмий тадқиқотлар учун давлат буюртмасини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, уларни амалга ошириш жараёнларини мониторинг қилиш, самарадорлиги паст бўлган лойиҳаларни тўхтатиш ва бўшаган маблағларни юқори самарали илмий лойиҳаларга йўналтириш.</p>	<p><u><b>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</b></u>          Фанлар академияси,          Иқтисодиёт вазирлиги,          Молия вазирлиги</p>	<p><b>Бажарилмоқда.</b>          Амалга оширилаётган лойиҳалар вазирлик ҳузуридаги фан йўналишлари бўйича Илмий техник-кенгашлардан экспертизадан ўтказилди.          Мониторинг ўтказиш жараёнига жами 1646 та лойиҳа қамраб олинди. Шундан 1487 та илмий лойиҳа асосида бажарилган ишлар давом эттиришга тавсия этилди. Шартли равишда давом эттиришга тавсия этилган лойиҳалар 17 тани, салбий баҳоланиб, молиялаштирилиши</p>

	<p>Фан ва технологиялар бўйича комиссия томонидан тасдиқланган Низом</p> <p>Муддати: 2018 йил октябрь</p> <p>Вазирлар Маҳкамаси 170-баёни бўйича муддат: 2019 йил март.</p>		<p>тўхтатишга тавсия этилган лойиҳалар сони 19 тани ташкил этди. Инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 5 ноябрдаги №412 сон буйруғи билан жами 19 та лойиҳанинг молиялаштирилиши тўхтатилиб бўшаган маблағлар юқори самарали лойиҳаларга қайта йўналтирилган.</p>
8.	<p><b>12-банд</b></p> <p>Илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш, илмий-тадқиқот муассасалари рейтингини шакллантирувчи масъул идорани аниқлаш.</p> <p>Вазирлар Маҳкамаси қарори</p> <p>Муддати: 2019 йил ноябрь</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b></p> <p>Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги</p>	<p><b><i>Бажарилмоқда.</i></b></p> <p>Қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди, тегишли вазирлик ва идоралар биланг келишиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 02-43/5466 сонли хатига асосан вазирлик ва идоралардан юборилган, вазирлик ва идоралардан олинган таклифлар асосида лойиҳа қайта ишланди.</p>
9.	<p><b>14-банд</b></p> <p>Мақсадли докторантура таълимини такомиллаштиришни, таҳсил олишга квоталар ажратишни, таҳсил олиш шартларини аниқлашни, қабул қилувчи ва жўнатувчи ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашни кўзда тутувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.</p> <p>Идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжат.</p> <p>Муддати: 2018 йил март</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b></p> <p>Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий аттестация комиссияси</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “Мақсадли докторантура” тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди ҳамда 2019 йил 22 февралдаги 36-сон буйруқ асосида тасдиқланди ҳамда 2019 йил 25 февралдаги 02-20/1035-сонли хат асосида Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун киритилди.</p>
10.	<p><b>15-банд</b></p> <p>Илмий ходимларнинг академик ҳаракатчанлигини ошириш, академик ҳаракатчанлиги дастурида иштирок этиш тартибини белгилаш, дастурда иштирок этаётган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b></p> <p>Фанлар академияси, Молия вазирлиги</p>	<p><b><i>Бажарилмоқда.</i></b></p> <p>Қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди, тегишли вазирлик ва идоралар биланг келишиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 02-43/5466 сонли хатига асосан вазирлик ва идоралардан юборилган, вазирлик ва идоралардан олинган таклифлар асосида лойиҳа қайта ишланди.</p>

	<p>белгилаш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжат Муддати: 2018 йил август</p>		<p>2019 йил 25 февралдаги 01-15/1015 сонли хат билан янги лойиҳаси вазирлик ва идораларга келишиш учун чиқарилди.</p>
11.	<p><b>16-банд</b> Илмий ходимлар, муҳандис-техник ходимлар, илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари ва Фанлар академияси бошқарув аппарати ходимларининг иш ҳақи тизимини такомиллаштириш. Вазирлар Маҳкамаси қарори 2018 йил ноябрь</p>	<p>Фанлар академияси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, <b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги</u></b></p>	<p><b>Бажарилмоқда.</b> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги “Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3876-сон қарори билан Фанлар академияси бошқарув аппарати ходимлари ва илмий-тадқиқот муассасалари муҳандис-техник ходимларининг иш ҳақи миқдорини ушбу қарор талабларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш белгиланган.</p>
12.	<p><b>17-банд</b> Илмий ютуқларга эга бўлган ва докторлик диссертацияларини минимал белгиланган муддатларда ҳимоя қилган ёш тадқиқотчиларни моддий рағбатлантириш. Вазирлар Маҳкамаси қарори Муддати: 2019 йил март</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимликлари</p>	<p>Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №304-сонли Қароридан докторлик диссертацияларини минимал белгиланган муддатларда ҳимоя қилган ёш тадқиқотчиларга 15 минимал миқдордаги пул мукофоти ажратилиши белгиланган.</p>
13.	<p><b>18-банд</b> Илмий ва инновацион бошқарув соҳасида қисқа муддатли курсларни ташкил этиш. Қўшма буйруқ Муддати: 2018 йил февраль</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Фанлар академияси</p>	<p>Бажарилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги ҳамда Фанлар академиясининг 2018 йил 9 апрелдаги 128-қўшма буйруғи билан “Илмий ва инновацион менежмент соҳасида қисқа муддатли курслар дастури” тасдиқланган ҳамда 11.04.2018 йилдаги 03-13/1144-сонли хати билан масъул вазирлик ва идораларга буйруқнинг нусхаси юборилган. Мазкур дастурга мувофиқ қисқа муддатли курслар ташкил этилган.</p>

14.	<p><b>19-банд</b> Технопарклар яратиш ва уларнинг фаолияти бўйича қонунчилик базасини такомиллаштириш. "Технопарклар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2018 йил декабрь</p>	<p>Иқтисодиёт вазирлиги, <b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси</p>	<p>Бажарилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ишчи гуруҳ тузилиб, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг "Технопарклар тўғрисида"ги Қонун лойҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 2018 йилнинг 20 июлида 03-13/2846-сон хат билан вазирлик ва идораларга келишиш учун юборилган.</p>
15.	<p><b>20-банд</b> Етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан кичик инновацион корхоналарни яратиш орқали таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш.  Қўшма қарор билан тасдиқланган “Кичик инновацион корхоналар концепцияси” Муддати: 2018 йил июнь “Кичик инновацион корхоналар тўғрисида”ги намунали Низомлар  Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баёни Муддати: 2018 йил ноябрь</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>	<p>Бажарилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академиясининг 2018 йил 27 июндаги 9/2-сон қўшма қарори билан “Кичик инновацион корхоналар концепцияси” тасдиқланган.</p>
16.	<p><b>21-банд</b> Иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналар негизида маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари ва йирик саноат корхоналари иштирокида тажриба-саноат ва тажриба синов ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш 2018 йил август</p>	<p>Фанлар академияси, Иқтисодиёт вазирлиги, <b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва бошқалар</p>	<p>Бажарилди. Иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналар негизида маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари ва йирик саноат корхоналари иштирокида тажриба-саноат ва тажриба синов ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилди (18/1256-326-сон, 30.08.2018 й.). Бундан ташқари, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “Озиқ-овқат саноат қурилмаларини ишлаб чиқариш илмий ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда</p>

			2018 йилнинг 15 ноябрида 05-15/5161-сон хат билан вазирлик ва идораларга келишиш учун юборилди.
17.	<p><b>22-банд</b> Илмий-тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик ишланмалар учун кўшимча молиялаштириш манбаларини шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва маҳаллийлаштириш билан шуғулланадиган корхоналарга, шунингдек эркин иқтисодий худудларнинг иштирокчиларига тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари ва имтиёзлар ҳисобидан бўшаган маблағлар миқдорининг мақсадли йўналтирилиши.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш 2019 йил февраль</p>	<p>Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, <b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги</u></b></p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан мазкур топшириқ ижросини таъминлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига 2019 йил 18 февралда 05-35/901-сонли хат киритилди.</p> <p>Шу билан бирга илмий тадқиқот ишланмалари учун кўшимча молиялаштириш манбаларини шакллантириш мақсадида халқаро ташкилотларни жалб қилиш учун 2018 йилнинг 10-11 декабрь кунлари Ислом тараққиёт банки вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.</p> <p>Оролбўйи халқаро инновация марказига молиявий-техник ёрдам кўрсатиш бўйича 275 минг АҚШ доллари грант маблағлари ажратилиши 2018 йил 31 декабрда Ислом тараққиёт банки бошқаруви томонидан қўллаб-қувватланди.</p> <p>Бугунги кунда молиявий техник ёрдам кўрсатиш мақсадида ИТБ ва Инновацион ривожланиш вазирлиги ўртасида ҳамкорлик шартномасини тайёрлаш ишлари оиб борилмоқда.</p> <p>Мазкур топшириқ бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига 2019 йил 22 февралдаги 05-35/970-сонли хат асосида ахборот киритилди.</p>
18.	<p><b>24-банд</b> Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда технология ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари тармоғини ташкил этиш. Ташкилий масалалар</p> <p>Тасдиқланган график бўйича</p>	<p>Интеллектуал мулк агентлиги, <b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан тузилган Меморандум доирасида <b><u>9 та технологиялар</u></b> ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилди. Жумладан:</p> <p>Қорақалпоғистон Давлат университети, Фарғона давлат университети, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Тошкент ахборот-технологиялари университети, Жиззах политехника институти, Наманган муҳандислик-технологияси институти, Андижон давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тошкентдаги Физика-техника институти ҳамда Ўсимлик моддалари кимёси институтларида ташкил этилган.</p>
19.	<p><b>25-банд</b> Технологиялар трансфери ва тижоратлаштириш тартибининг ҳуқуқий таърифи.</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b></p>	<p><b><i>Бажарилмоқда.</i></b> Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасида</p>

	Ўзбекистон Республикаси қонуни Муддати: 2019 йил декабрь	Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Молия вазирлиги	технологиялар трансфери ва тижоратлаштириш тартиби тўғрисида аниқлик киритилган.
20.	<b>26-банд</b> Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва технологиялар трансфери ва тижоратлаштиришида амалий тажрибага эга бўлган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда семинарлар ва тренинглар ташкил этиш орқали интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш бўйича маҳаллий мутахассисларнинг малакасини ошириш. Семинар ва тренинглар ўтказиш графиги 2018 йил март	Интеллектуал мулк агентлиги, <b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Бажарилди. “STARTUP Бизнесингизни биргаликда юксалтирамиз” мавзусидаги бизнес конференциясида иштирок этилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Venture Well (АҚШ) компанияси ва С.А.Т.Science Accelerator (Илғор технологиялар маркази) томонидан АҚШ элчихонаси билан ҳамкорликда Марказий Осиёда илк бора 13-16 ноябрь кунлари илмий тадқиқотлар билан боғлиқ ёш стартап компаниялари учун Илм- фан ва технологиялар орқали глобал инновациялар (GIST) Худудий стартап тренинги ўтказилди. Жорий йилнинг 7-8 ноябр кунлари ScienceThon by С.А.Т’: стартап акселератор иштирокчилари учун илк семинар-тренинг ўтказилди. Жорий йилнинг 27–28 октябрь кунлари Наманган Инвестиция ва инновация марказида “Стартап бизнесингизни биргаликда юксалтирамиз” мавзусида конференция бўлиб ўтди. Жорий йилнинг 23 ноябрида “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясида “Инновациялар ва инвестициялар маҳаллий ва ташқи бозорларда аёллар тадбиркорлиги ривожининг самарали омили” мавзусида Халқаро конференция бўлиб ўтди.
21.	<b>30-банд</b> Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларини чет элда рўйхатдан ўтказиш (патентлаш)га ажратиш тартибини белгилаш. Ташкилий масалалар Муддати: 2017 йил ноябрь	<b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб- қувватлаш жамғармаси, Интеллектуал мулк агентлиги	Бажарилди. Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларини чет элда рўйхатдан ўтказиш (патентлаш) ва патентни кучда сақлаб туриш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги Низом Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 4 июндаги 14/6-сонли буйруғи билан тасдиқланиб, Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлдаги 3034-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

22.	<p><b>33-банд</b> Ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказини яратиш ва ушбу марказнинг самарали ишлаши учун молиявий воситалар, замонавий ускуналар, сарфланадиган материаллар ва реактивлар билан таъминлаш. Вазирлар Маҳкамаси қарори 2019 йил октябрь</p>	<p>Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, <b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги</u></b></p>	<p><b>Бажарилмоқда.</b> Ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказини яратиш мақсадида мавжуд жамоавий фойдаланиш марказларининг оптималлаштириш асосида илмий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда янги марказларни ташкил этиш масаласи ўрганилмоқда.</p>
23.	<p><b>34-банд</b> Халқаро нуфузли илмий журналлар базасига йиллик миллий обуна бўлиш ҳамда илмий маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш. Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси қарори Муддати: 2018 йил февраль</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси</p>	<p>Бажарилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 июндаги 642-сонли фармойишига кўра, 2017 йил июндан 2018 йил июн ойига қадар “Web of Science” электрон базасига миллий обуна амалга оширилди. Жамғарманинг 2018 йилги даромадлари ва харажатлари прогноз параметрларида етакчи электрон илмий маълумотлар базаларига обуна бўлиш учун 185,0 минг АҚШ доллари режалаштирилган. Ҳозирги вақтда етакчи электрон илмий маълумотлар базаларига 2019 йилда обуна бўлиш масалалари бўйича ўрганиш ва музокаралар олиб борилмоқда.</p>
24.	<p><b>35-банд</b> Илмий-техникавий адабиётнинг халқаро маълумотлар базасидан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги илмий журналларда нашр этиладиган мақолаларни тайёрлаш бўйича маҳаллий олимлар учун тренинглар ташкил этиш. Семинар ва тренинглар ўтказиш графиги Муддати: 2018 йил февраль</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги</u></b></p>	<p>Бажарилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 июндаги 642-сонли фармойишига кўра, 2017 йил июндан 2018 йил июнь ойига қадар “Web of Science” электрон базасига миллий обуна амалга оширилди. “Web of Science”га обуна бўлиш доирасида, халқаро маълумот базаларидан самарали фойдаланиш мақсадида маҳаллий олимлар учун семинар ва тренинглар ўтказиш кўзда тутилган. Бугунги кунда бутун мамлакат бўйича <b>45 та семинарлар ва тренинглар ўтказилди.</b></p>
25.	<p><b>36-банд</b> Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси учун илмий монографияларни (охирги 3 йил давомида нашр этилган) харидини амалга ошириш.</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси</p>	<p>Бажарилмоқда. Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси қарори билан тасдиқланган илмий монографияларни харид қилиш учун дастурни тасдиқлашда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Фанлар академиясининг асосий кутубхонасига илмий монографияларни (охирги 3 йил давомида нашр этилган) харидини амалга ошириш юзасидан 2018 йил 3 апрель куни Миллий кутубхона ва Фанлар академиясига №03-</p>



	<p>Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси қарори билан тасдиқланган илмий монографияларни харид қилиш бўйича дастур</p> <p>Муддати: 2018 йил август</p>		<p>13/1018-сонли хат юборилган ва маълумотлар олингандан сўнг монографияларни харид қилиш амалга оширилган.</p>
26.	<p><b>37-банд</b></p> <p>Стажировкаларни ташкил қилиш учун ёш олимлар ва илмий ходимлар, шунингдек хорижий етакчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси қарори</p> <p>Муддати: Ҳар йили январгача.</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги</u></b></p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 5 июлдаги 3036-сонли буйруғи асосида тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан 2018 йил 5 июлдаги 3036-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаларини ташкил этиш мақсадида уч маротаба танлов ўтказилди.</p> <p>Танлов натижаларига кўра <b>29 нафар ёш олимларнинг</b> етакчи хорижий илмий ташкилотларда стажировкалари рўйхати тасдиқланди.</p>
27.	<p><b>38-банд</b></p> <p>Хорижий етакчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида ёш олимлар ва илмий ходимлар учун стажировкаларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>Шартномаларни имзолаш</p> <p>Муддати: Ҳар йили тасдиқланган жадвалга мувофиқ</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги</u></b></p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Ҳозирги кунга қадар, <b>29 нафар ёш олимларнинг</b> илмий стажировкалари бўйича шартномалар тузилган ҳамда шартнома шартларига асосан тўлиқ молиялаштирилган.</p> <p>Бундан ташқари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг тўрт нафар ёш олимларининг Лейбниц ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш (Германия) илмий-тадқиқот институтидаги илмий стажировкалари молиялаштирилди.</p> <p>Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг олти нафар ёш олимларини Шўрланиш шароитида биодехқончилик халқаро марказига (ICVA БАА Дубай) ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Халқаро молекуляр аллергология марказининг олти нафар ёш олимларини Вена тиббиёт университетига (Австрия) илмий стажировкага юбориш билан боғлиқ харажатлар молиялаштирилади.</p>

28.	<p><b>39-банд</b>  Илмий ходимлар ва ўқитувчиларга маърузалар ва мавзули семинарлар ўтказиш учун нуфузли хорижий мутахассисларни, шу жумладан хорижда ишлаётган маҳаллий олимлардан жалб қилиш.  Муддати: 2018 йил май  Идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжат</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b>  Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,  Соғлиқни сақлаш вазирлиги,  Фанлар академияси</p>	<p>Бажарилмоқда.  Инновацион ривожланиш вазирлиги инновация марказлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, илмий ва таълим муассасаларининг юқори малакали мутахассислари билан чет эллик маслаҳатчилар сифатида вазирлик тизимида иш олиб бориш, маслаҳат бериш учун ва уларни жалб қилиш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилди. Ҳозирги кунда Германия ва АҚШ мутахассислари билан музокаралар олиб борилмоқда.  Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2732-сон Фармони бажариш борасида хорижий мамлакатлар билан илмий-техникавий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Йўл харитасини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий-техника ва инновацион соҳасидаги барча ҳукуматлараро битимларни қайта кўриб чиқиш (ревизия қилиш) таклиф билан чиқмоқда.  Қизиқиш билдирган департамент ва вазирликларга нуфузли хорижий мутахассисларни, шу жумладан чет эллик олимларнинг хорижда ишлаётган мутахассисларини рўйхатга олиши учун хат юборилди.  Вазирликлар ва идораларнинг жавобларига кўра, уларни таълим ва илмий жараёнларга жалб қилиш учун мутахассислар рўйхати тузилади.  Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 24-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2019 йилда республикада бўлиб ўтадиган илмий, илмий-техник анжуманлар, форум ва семинарлар ўтказилиш режаси тузилиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойиши лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига 2019 йил 7 январ куни 01-10/87-сонли хат билан киритилди.  2019 йил 25 февралдаги 133-Ф-сонли Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан маърузалар ва мавзули семинарлар ўтказиш учун нуфузли хорижий мутахассисларни, шу жумладан хорижда ишлаётган маҳаллий олимларни жалб қилиш дастури тасдиқланди.</p>
29.	<p><b>40-банд</b>  Мамлакатимизда илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида илмий лойиҳаларни амалга</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b>  Ташқи ишлар вазирлиги,</p>	<p><b><i>Бажарилмоқда.</i></b>  Халқаро фондлар ва молия институтларини жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги (2018 йил 10 сентябрдаги 03-11/3906 сонли хат), Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (2019 йил 10</p>

	<p>ошириш учун халқаро ва хорижий грантларни кенг жалб қилиш. 2018 йил август Чора-тадбирлар режаси</p>	<p>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси</p>	<p>январдаги 06-24/190 сонли хат) фондлар жалб қилиш масалалари юзасидан мурожаат қилинди. “HORIZON 2020” доирасиданги илмий техник лойиҳаларда қатнашиш юзасидан ЭРАСМУС+ Миллий офиси билан музокаралар олиб борилди (17.10.2018 йилдаги 03-11/4679 сонли хат). Европа Иттифоқи Тадқиқотлар ижроия агентлигига Ташқи ишлар вазирлиги орқали хат юборилди. ЕРАСМУС+ Capacity Building in Higher Education доирасидаги танловларга 4 та лойиҳа топширилди. Ўзбекистон-Беларусь доирасидаги лойиҳалар танлови экспертизадан қабул қилиб олиниб, натижалари бўйича Беларусь Фан ва технологиялар агентлигига маълумот тайёрланди. “Ўзбекистон-Германия 2016” лойиҳалари бўйича тегишли муассасалар ва танлов ғолибларини молиялаштириш юзасидан келишиб олинди (14.01.2019 йилдаги 02-24/268 сонли хат).</p>
30.	<p><b>41-банд</b> Олий ўқув юртидан кейинги таълим ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга PhD даражасига эга чет эл олимларини жалб қилиш. 2018 йил октябрь Чора-тадбирлар режаси</p>	<p><b><u>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</u></b> Ташқи ишлар вазирлиги</p>	<p>Бажарилган. Вазирлар Мақкамасининг 2018 йил 10 октябридаги 24/1-1476-сон йиғилиш баёни билан “InnoWeek.uz” инновацион ғоялар ҳафталигида қатнашиши режалаштирилган чет эл олимлари рўйхати тасдиқланди. Мазкур баёнда кўрсатилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Халқаро инновациялар ярмаркаси давомида Инновацион ривожланиш вазирлиги ходимлари, чет эл экспертлари ва олимлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари, олий таълим муассасаларидан ўқитувчи-профессорлар иштирокида тренинглар ўтказилди. Ундан ташқари ОТМ ва ИТМлар ходимлари учун хорижий мутахассислар иштирокида семинар тренинглар мунтазам ўтказилиб борилмоқда.</p>